

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига қўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Нонни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Нонни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф нон қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи нон қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Нон ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома газначилик рўйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.